Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◇ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 24 апрель, шанба • №34 (11.629) • Эркин нархда сотилади

## ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

***Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий-маърифий асослари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир ушбу марказ ташкил этилганининг ўн йиллигига бағишланди.***

Анжуманда мазкур марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар, олий ўқув юртларидаги масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А. Мелибоев, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ. Аъзам, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва бошқалар юртимизда фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий-маърифий асослари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан белгилаб берилганини таъкидладилар.

Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини, халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу интилишларини кенг тарғиб ва ташвиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Маънавият ва маърифат кенгаши раиси А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Мардлар қўриқлайди Ватанни



## ХИЗМАТГА ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ БОРАДИ

***Куни кеча вилоят чақирув масканида муддатли ҳарбий хизматни ўташни ўзининг йигитлик ва фуқаролик бурчи деб билган ёшларни армия сафларига кузатиш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нуъмон Насимов, вилоят маънавият ва маърифат маркази раҳбари Суяр Қурбонкулов, отаоналардан пскентлик Мустафо Дадаев, чинозлик Ҳикоят Қодирова ва фахрийлар ўз дил сўзларини баён этишиб, ёшларга муваффақият тилашди. Ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар номидан сўзга чиққан қибрайлик Изатилла Арихонов ўзларига билдирилган ишончни оқлаяжакларини билдирди. Шу куни бўлғуси ҳарбийлар оркестр садолари остида ва зобитлар кузатувида Ўзбекистондаги қисмларга жўнаб кетишди.

Дарҳақиқат, ҳарбий фаолият билан шуғулланиш шараф бўлиши билан бирга юксак масъулият ҳам юклайди. 2004 йилнинг 10 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори истиқлолимиз, тинч-осуда ҳаётимизни асраш, миллий армияни замонавийлаштириш йўлида навбатдаги қадам бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз Мудофаа ишлари вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Зоҳид Аҳмадхўжаев билан суҳбатлашди.

**— Бошқарма мутахассислари фаолияти хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Ўтган йилларда бўлгани каби армиямизни ҳарбий хизматга муносиб йигитлар билан таъминлашга асосий эътиборни қаратганмиз. Шу мақсадда вилоятнинг барча туманларида ёшларни муддатли ҳарбий, муқобил хизматга тайёрлаш бўлимлари иш олиб бормоқда. Бўлим вакиллари мактаб, лицей, коллежларда бўлишиб, бўлажак ҳарбийларга бу борадаги зарур тавсияларни беришмоқда. Уларнинг тайёргарликлари назорат қилиниб, камчиликлари ўз вақтида тузатилмоқда. Биз мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман

(Давоми 2-бетда).

## ФЕРМЕР ТУҲФАСИ

***Оҳангарон туманидаги Увак қишлоғида истиқомат қилувчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди.***

Қишлоқдаги «Азим ота» маҳалласида «Авазхон» фермер хўжалиги маблағи ҳисобидан янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Гузарда иш бошлаган чойхона, новвойхона, кундалик эҳтиёж моллари дўкони хизматидан маҳалла аҳли мамнун. Шунингдек, бу ерда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун ҳам барча қулайликлар мавжуд.

— Мажмуани ҳамқишлоқларим талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб бунёд этдик, — дейди фермер Аваз Азимов. — Яқин кунларда шу ернинг ўзида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси очиш ниятидамиз.

**Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

***Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да тўққизинчи Тошкент Халқаро «Соғлиқни сақлаш — Medicina Uzbekistan-2004» кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Ушбу анъанавий халқаро кўргазма Британиянинг ITE Group PLS ҳамда UzExpoforma (Ўзбекистон) компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда республикамиз ҳамда 17 та хорижий мамлакатларнинг машҳур фирмалари ўзларининг тиббий маҳсулотлари билан иштирок этди. Жумладан, тиббиёт соҳасида қўлланиладиган янги асбоб-ускунлар ҳамда дори-дармонлар намойиш қилинди.

**Азиза ҒИЁСОВА.**

Таълим ва ислоҳот

## ДАСТУРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ



***Вилоятимизда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 19 февралдаги «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишларга янгича жўшқинлик бағишлади. Чунончи, вилоят ҳокимининг қарори билан 2004 йилда ижтимоий соҳа муассасаларини мукаммал таъмирлаш ҳамда янги мактаб биноларини қуриш манзилли дастури тасдиқланди. Бугунги кунда шаҳар ва туманлардаги мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ҳолатини замонавий талаблар даражасида тубдан такомиллаштиришга киришилди. Мухбиримизнинг вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шукрулла Икромов билан суҳбати шу хусусда бўлди.***

(Давоми 3-бетда).

## САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

***Бугунги кунда ёш авлоднинг маънан етук, баркамол инсон бўлиб камол топиши учун ҳукуматимиз кенг миқёсда шарт-шароитлар яратмоқда. Уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолликларини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.***



Аввал хабар қилганимиздек, Паркент тумани «Бойқозон» ширкат хўжалигида туман ўсмир йигит-қизларининг мақсад ва интилишлари рўёбга чиқишига хизмат қиладиган «Салоҳият» ёшлар маркази фаолияти йўлга қўйилган эди.

Ҳозир туманда 26 мингдан зиёд ўсмир йигит-қиз бўлиб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугунги ёшлар имкониятлари, уларга хос соф ва жўшқинликни асосий мақсад сари йўналтириш муҳим омил эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга навқирон йигит-қизларга — иқтидори истеъдод соҳибларига оқ йўл тилашди.

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ! Бизнинг индекс — 205.
Эслатиб ўтамиз: Обуна давом этмоқда

# САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ







Ушбу марказда «Кўнгиллилар», «Ёшлар клиникаси», «Статистика ва истиқбол», «Маданият ва тарих» йўналишларида билим ва амалий кўникмалар берилади.

— Жумладан, кўнгиллилар гуруҳида сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда семинар, тренинг ва ўқув машғулотлари, илмий-амалий кўникмалар, соғлом турмуш тарзи, меҳр ва мурувват, тадбиркорлик, спорт ва соғломлаштириш тўгараклари иш олиб боради, — дейди «Салоҳият» ёшлар маркази раҳбари Саида Тўлаева. — Иккинчи йўналишда ёшларнинг мавжуд турли муаммолари бўйича қабул қилинган билдирувлар асосида амалий ёрдам кўрсатилиб, маслаҳатлар берилади. Маданият ва тарих бўлимида эса, ҳудуд тарихини ўрганувчи ўлкашунослар гуруҳи халқ ижодиёти, миллий анъана ва удумларимизни ўрганиб, тарғиб қилади. Булардан ташқари, марказий кутубхона, туман ёшлар ансамбли, юртимиздаги элчихоналар қошидаги маданият марказлари билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этади.

Барча гуруҳларга йил давомида икки минг нафардан зиёд ўсмирлар жалб этилади. Бунинг учун марказда барча шарт-шароитлар етарли. Кўнгиллилар уларга дурадгорлик, пазандалик, миллий ва замонавий каштачилик, аёллар сартарошлиги ва компьютер саводхонлиги бўйича билим берадилар. Гуруҳларда Манзура Орзиева, Шаҳло Кўчқорова, Назокат Эргашева, Зулфия Тўхтаева, Дилдора Ҳолиқова, Бахтиёр Рўзматов, Мирвоҳид Мирабдуллаев каби устозлар маҳорат билан фаолият юритишади.

Шунингдек, мазкур марказда футбол, баскетбол, волейбол, теннис, стол тенниси ҳамда миллий кураш каби спорт турлари секциялари мавжуд. Ҳозир ёшлар марказига «Файз-Барака», «Мактаб-Мебель» қўшма корхоналари ва «Крокус-Люкс» хусусий фирмалари ҳомийлик қилмоқда.

«Салоҳият» ёшлар марказининг мақсади ҳақиқий салоҳиятли йигит-қизларни жамлаб, уларнинг куч ва ғайратларини тўла намоён этишдан иборат. Келгусида Бўстонлиқ туманида ҳам ана шундай марказ ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Саид ҲАСАНОВ.**

*СУРАТЛАРДА: ёшлар марказининг очилиш маросимидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# «ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

***Юқорчирчиқ тумани Янгибозор маданият уйида халқ таълими бўлими, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ҳуқуқий саводхонлик танлови бўлиб ўтди.***

Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтган ушбу мавзудаги танловда 12 та жамоа ўзаро беллашиб, жами 150 нафар йигит-қизлар қатнашди. Қизғин баҳслар остида ўтган танловда фахрли 1-ўрин 34-ўрта мактабнинг «ЮНИСЕФ», 2-ўрин 26-ўрта мактабнинг «Адолат» жамоасига, 3-ўрин эса, 7-ўрта мактабнинг «XXI аср авлоди» жамоаларига насиб этди. Танлов ғолиби — «ЮНИСЕФ» жамоаси вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Саид ҲАКИМОВ.**

# Хемницда Ўзбекистонга оид анжуман

***Германиянинг Хемниц шаҳри савдо-саноат палатасида мазкур шаҳар Саноат тармоғи корхоналари бирлашмаси билан биргаликда ташкил этилган "Ўзбекистон: мамлакат ва одамлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Унда ишбилармон доиралар, етакчи фирма ва компаниялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Хемниц Саноат тармоғи корхоналари бирлашмаси вице-президенти Гунар Гроссе анжуманни очар экан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ва табиий – хом ашё салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринга эгалиги ҳамда Хемниц шаҳри ва Саксония федерал ўлкаси ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлади.

Семинар иштирокчилари мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиёт ва банк тизимини эркинлаштириш сиёсати ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан республикада хорижий шериклар ва сармоядорларнинг самарали меҳнат қилишлари учун яратилган шарт-шароит ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишдилар.

**"Жаҳон" АА, Хемниц.**

# ХИЗМАТГА ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ БОРАДИ

кенгашлари билан ҳам тиғиз алоқаларни йўлга қўйганмиз. Ҳамкорликда армиямиз учун зарур бўладиган ҳайдовчилар, алоқачилар ва парашютчиларни тайёрлашга эришаяпмиз.

**— Вазирлар Маҳкамаси қарорининг вилоятдаги ижросини таъминлаш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Туман мудофаа ишлари бўлимлари орқали бир ой муддат олдин йигитларни танлов асосида муддатли ҳарбий, муқобил хизматга жалб этишни бошлаганмиз. Бунда бўлажак ҳарбийларнинг саломатлиги, маълумоти, ақлий салоҳияти, оилавий шароити ва жисмоний тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабларга юқори даражада жавоб берганлар муддатли ҳарбий хизматга жалб этилаяпти. Қолганлар эса, қўшимча имкониятлардан ҳам фойдалана олмаса, хизматни сафарбарлик чақирув резерви қисмларида ўтайди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан эса туманларда тиббий кўрик комиссиялари иш олиб бормоқда. Уларда билимли, кучли ва зийрак йигитларни саралаб олишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳарбий қисм вакиллари билан бўлаётган суҳбатлар эса, такрорий танлов ўтказиш имконини бериб, армиямиз сафлари баркамол аскарлар билан қайта тўлишига замин яратмоқда.

Ҳозир йигитларимиз тантанали митингдан сўнг ҳарбий хизматга кузатилишини йўлга қўйганмиз. Бу улардаги бурчга садоқат туйғуси янада кучайишига ёрдам беради. Йигитларни кузатгандан сўнг ҳам улар билан алоқамиз тўхтаб қолмайди. Бу кейинги ўн икки ойда ҳам давом этиб, хизмат муддати жараёнида биз улар билан ота-оналар ўртасидаги кўприк вазифасини ҳам ўтаймиз. Яқин йиллардан буён яна бир ижобий анъана вужудга келди. Бунда биз туман ҳокимликлари билан ҳамкорлик қилиб, тумандан ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг олдига байрам кунларида уларнинг ота-онаси билан бориб, фарзандлари учун ўзбекона дастурхон тузатиб, миллий мусиқаларимиздан эшиттириб, дийдорлашиб қайтишни йўлга қўйганмиз. Бунинг ҳар икки томон учун ҳам маънавий таъсири беқиёс.

**— Ёшларимизнинг миллий армиямиз сафларида ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқишлари қандай?**

— Эътиборлиси, йигитларимиз бу борада ҳеч бир шахсий манфаатни кўзлаётганлари йўқ. Ҳозир собиқ тузум таъсиридаги армиядан бир илож қилиб қолиш сингари важсиз баҳоналарга ўрин қолмади. Бугун армияда хизмат қилиш истагида бўлган йигитларимиз янада кўпайган. Уларнинг аксариятини сергаклик талаб этиладиган чегара ва ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларида хизмат қилиш хоҳишида бўлган йигитлар ташкил этади.

**— Қарорга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга қандай имтиёзлар берилади?**

— Ҳарбий хизматни намунали тарзда ўтаган аскарларга энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари миқдорида нафақа, олий ўқув юртларида ўқиш истаги борларга тавсияномалар берилади. Унга кўра, ёшлар ўқишга киришда 20 фоизлик имтиёзга эга. Ўз ҳаётини Ватан мудофааси ва эл-юрт осойишталиги учун сарфлаш истагида бўлганлар эса, кейинчалик сержантлар тайёрлаш билим юртларида ўқишлари мумкин. Шундан сўнг улар мактаб жойлашган ҳарбий округда хизмат қилиш ва яшаш имконига эга.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Воҳид СУННАТОВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



***Юқоричирчиқ тумани Янгибозор маданият уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, маданият ишлари бўлими, «Камолот» ёшлари ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамкорлигида «Ўзбекистон азиз Ватаним» қўшиқлар байрами ўтказилди.***

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Унда туман ҳудудий босқичларида ғолиб чиққан 24 нафар ҳаваскор қўшиқчилар иштирок этди. Танлов якунларига кўра 1-ўрин Икром Туллаев, 2-ўрин Розия Худойбергановага ҳамда Шаҳло Турсунбоевага 3-ўрин муносиб топилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

# САЛОРЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

***Қибрай туманидаги Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғинида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар тарбияси, диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда хотин-қизлар, талабалар ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.***

Ўзига хос бу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Шуҳрат Исмоилов, туман ҳокими ўринбосари Бибихон Шералиева, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Шукуровалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

Таълим ва ислоҳот

# ДАСТУРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

**— Шукрулла Тўхтамуродович, аввало мавжуд таълим муассасаларининг ҳозирги имкониятлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Айни пайтда вилоятимизда 897 та умумтаълим мактаби мавжуд. Уларда ярим миллиондан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Лекин, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан таъкидланганидек, аҳоли зич яшайдиган айрим ҳудудларда мактабларнинг таъмирга муҳтожлиги, имкониятлари етарли даражада эмаслиги, уларда ўқув машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилмаётганлиги таълим-тарбия самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айрим туманлар мисолида оладиган бўлсак, Бекободдаги 1-, Бўстонлиқнинг 28-, Қуйичирчиқдаги 24-, Оққўрғондаги 4-умумтаълим мактаблари қуввати 1984 ўқувчига мўлжалланган бўлса, ҳозирда уларда 3 минг нафардан зиёд бола таҳсил олади. Уларда-ги синф хоналари 130 тани ташкил этса, демак, биргина Бекободдаги 1-умумтаълим мактабидаги ҳар бир ўқув хона央рида ўртача 33,7 нафардан зиёд ўғил-қизларимиз ноқулай ҳолатларда таълим олишига тўғри келади.

**— Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилаяпти?**

— Шу йил 10 мартда вилоят ҳокими «2004 йилда вилоятдаги ижтимоий соҳа муассасаларини мукаммал таъмирлаш ҳамда янги мактаб биноларини қуриш манзилли Дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга биноан шаҳар ва туманлардаги 61 та мактаб, 56 та мактабгача таълим муассасалари, 10 та меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларини мукаммал таъмирлаш назарда тутилган. Дастурда ушбу мақсадларга жами 5 миллиард 618 миллион 212 минг сўм маблағ сарфланиши белгиланган. Яъни, умумтаълим мактабларига 2 миллиард 294 миллион 904 минг сўм, мактабгача таълим муассасаларига 382 миллион 308 минг сўм, махсус интернат-мактабларига эса 341 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Ушбу режадаги маблағ яқин йиллар ичида халқ таълими учун ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағлардан кескин фарқ қилади. Бу ишлаб чиқилган манзилли дастурнинг нақадар истиқболли эканлигини кўрсатиб турипти. Унда бошқа ҳудудлар қатори мукаммал таъмирлашга Ўртачирчиқ туманидан 1-, 10-, 31-, 49-, 68-мактабларга 191 миллион сўм, Бўка



туманидаги 1-, 3-, 14-, 15-, 45-мактабларга 179 миллион сўм, Бекобод шаҳридаги 6-, 9-мактабларга эса, 105 миллион сўм сарфланади. Эътиборли жиҳати шундаки, 25 миллион сўмгача бўлган капитал таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертизадан ўтказилади ва шу асосда таъмирлаш ишлари бошланади. Бу миқдордан ортиқ қурилиш ёки таъмирлаш ишлари эса вилоят ҳокимлиги тендерида ўтказилиб, белгиланган тартибда ғолиб қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, янгидан қуриладиган мактаб биноларини тиклаш, ишга тушириш вазифалари ҳам сифатли ва белгиланган муддатларда тугалланишини таъминлаш мақсадида қурилиш ташкилотлари тендер-танлов асосида сараланмоқда.

Бу йил Бекобод, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ туманларида 2 тадан, Оққўрғонда битта янги мактаб бинолари қуриб битказилиб, ишга туширилиши мўлжалланган. Ушбу ишларга 2 миллиард 600 миллион сўм маблағ керак бўлади. Ҳозир бу маблағни жамлаш ва аниқ йўналтириш механизмини ишлаб чиқилиб, у узлуксиз амал қилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси шу туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда катта ҳажмдаги ишларни олиб боряпти.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги дастури асосида мактабгача таълим муассасаларида ҳам кенг миқёсдаги ишлар бажарилади. Айтайлик, фақат Зангиота туманидаги 4-, 11-, 15-, 18-, 23-, 26- ҳамда 31-болалар боғчаларига 49 миллион 800 минг сўм йўналтирилади. Тошкент туманидаги 18-боғчада 10 миллион 870 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шу тариқа кичкинтойларимиз тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Ҳар бир шаҳар ва тумандаги белгиланган муассасаларда ушбу дастурда кўзда тутилган амалий ишлар вақтида, сифатли бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилади.

Ҳозир Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйида 32 миллион сўмлик ҳажмдаги мукаммал таъмирлаш ишлари охирига етказилмоқда.

— Вилоятимизда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ниҳоятда кенг кўламли ишлар бошланди, — деди пировардида Шукрулла Икромов. — Уларда жамиятимиз, давлатимизнинг навқирон авлод тарбиясига кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Шу боис ҳам биз бу вазифаларни ўз муддатларида бажариш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

**Суҳбатдош: Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ижодкор ёшлар ҳафталиги

## «УМИД» ДЕҲЛИДАН КЕЛДИ

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов раҳбарлигидаги Ибн Сино номли маданият марказининг «УМИД» халқ фольклор рақс дастаси студияси узоқ йиллардан бери Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик санъатини кўплаб хорижий давлатларда намойиш этиб, салмоқли ютуқларга эришмоқда.***

Англия, Франция, Германия, Туркия, Польша, Италия, Хитой, Корея каби хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўлган ушбу даста Ўзбекистон билан Ҳиндистон мамлакатларининг Деҳли шаҳрида ўтказилган ижодкор ёшлар ҳафталигида фаол иштирок этди. Сафар давомида ҳамшаҳарларимиз Аградаги Тожмаҳал, Аҳмадшоҳ, Қизил қалъа каби машҳур зиёратгоҳларини томоша қилдилар. Шунингдек, Индира Ганди ва «Моунт Каржия» махсус мактабларида учрашув-концертларини ўтказдилар.

Қўшма тадбирнинг бош мезони бўлган Жавоҳарлал Неру номли Деҳли давлат университетида икки давлат ёш ижодкорлари ўртасида ўтказиладиган конференциянинг тантанали очилиш маросими бўлди.

«УМИД» халқ дастасининг ёш санъаткорлари – эстрада хонандаси Диёр Маҳкамов, раққосалар Наргиза Абдуллаева, Назокат Маҳмудова, Шорустам Обидов, Азизбек Ғаниев ҳамда Шеркўзи Ғозиев бошчилигидаги «Шерхон» гуруҳининг концерт дастурлари ҳиндистонлик томошабинларда қизиқиш уйғотди.

**Абдулла ҚУРБОНОВ, Ибн Сино номли маданият маркази директорининг ўринбосари, эстрада хонандаси.**

## САИДА - ТАНЛОВ ҒОЛИБАСИ

***Вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги санъат-иқтисодиёт коллежида «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилди.***

Унда вилоятнинг Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Тошкент туманларида бўлиб ўтган танловлар ғолибларининг 17 нафари иштирок этди. Қатнашчилар 17 та шарт бўйича беллашиб, натижаларга кўра, 117 балл тўплаган Чирчиқ хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабаси Саида Бердиёрова «Энг яхши китобхон» танлови ғолиблигига сазовор бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

***Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Бекобод шаҳридаги Оҳунбобоев номли маҳаллада хайрия тадбири бўлиб ўтди.***

Унга 300га яқин кам таъминланган оилаларнинг вакиллари таклиф этилдилар. Иштирокчиларга тадбир ҳомийлари томонидан совғалар топширилди ва суннат тўйлари нишонланаётган беш нафар боланинг ҳисоб рақамига 10 минг сўмдан пул ўтказилди.

Тадбирда Ғанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар дастасининг куй-қўшиқлари янгради.

**Рустам ЁҚУБОВ.**

## ЕРГА МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

***Она ер, она замин... У ўзининг бутун борлиғи, барча бойлигини инсонлар ихтиёрига бериб қўйган.***

Лекин, биз унинг бойликларини ўйламай-нетмай исроф қиляпмиз. Бунинг устига бизнинг беписанд фаолиятимиз, фан-техника тараққиётининг жадал суръатларда бориши заминимизга катта зарар келтирмоқда. Оқибатда, ер мурувватга муҳтож бўлиб қолди. У муҳофаза қилинмаса, халқлар ардоғида бўлмаса, унга зарар келтирадиган хатти-ҳаракатлардан тийилмасак, аҳвол янада мушкуллашиб кетиши мумкин.

Бунинг олдини олиш учун, 22 апрель жаҳон жамоатчилиги томонидан Ер куни сифатида кенг нишонланадиган бўлиб қолди. Бу ҳаракат ўтган асрнинг етмишинчи йилларида АҚШда бошланган. Мамлакатимизда «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан бу йил ҳам мазкур санага бағишлаб, қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда. 22 апрель куни «Экосан» халқаро жамғармаси, республика Ер ресурслари давлат қўмитаси, маданият ишлари вазирлиги, Ўзбектелерадиокомпания, Ўзбекистон миллий академик театри ҳамкорликда Ер кунига бағишлаб «Экофестиваль – 2004» тадбирини ўтказдилар. Ўзбекистон миллий театри биносида уюштирилган ва тантанали очилган бу фестиваль дастуридан «Саховатли Ер инъомлари» кўргазмаси, ер заҳираларидан самарали фойдаланган фермерларни, шунингдек, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Энг мурувватли қўшни» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш ўрин олди.

Республикамиз санъат усталари ўзларининг қўшиқлари ва нафис рақслари билан фестиваль иштирокчиларини ҳушнуд этдилар.

**Собир ҲАМИДОВ.**

***Зангиота тумани ҳокимлиги ҳамда ҳудуддаги турли ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ҳамкорликда янги ташаббус билан иш бошлашди.***

## ЯНГИ ТАШАББУС БИЛАН

Хусусан, ҳар бир маҳалла ана шу ташкилотларга бириктирилди. Бундан буён ҳафтанинг ҳар душанба куни раҳбарлар ўз оталиқларидаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб, у ерда учраётган маиший ҳамда ижтимоий муаммоларни оқсоқоллар билан муҳокама қилиб, ҳал этадилар.

**Равшан РУСТАМОВ.**

Дил изҳори

## «УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ!»

***Биз — меҳнат фахрийлари дилимиздаги гапларни матбуот орқали баён этиб, меҳрибон ва ширинсухан шифокорларга миннатдорчилик билдиришни лозим топдик.***

Биримиз сурункасига етти, бошқамиз бир неча йилдан бери кўрлар жамиятига қарашли Янгийўлдаги дам олиш ва шифо масканида ҳордиқ чиқариб, дам олиб келаяпмиз. Бу ерда зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, хизмат кўрсатувчиларнинг беморларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлишлари туфайли кўнглимиз ҳар сафар шу масканга чорлайверади.

Яқинда ҳам мазкур дам олиш ва даволаниш муассасасида бўлдик. У ерда шифокорлар, хизмат кўрсатувчилар билан жуда яқин бўлиб кетганмиз. Рўйхатдан ўтказиш бўлимида 21 йилдан бери сидқидилдан ишлаб келаётган Галина Абдухалилова, шифокор ва ҳамширалар — Моҳира Фозилова, Зоя Гаврилова, Лола Ҳамидова, Галина Умарова ва бошқалар даволанувчиларнинг меҳрини қозонишган. Ушбу дам олиш ва даволаниш масканни бош шифокори, тиббиёт фанлар номзоди Миродил Мираҳмедовнинг ходимларга нисбатан ғамхўрлиги, айни пайтда талабчанлиги туфайли аҳил жамоа қарор топган. У даволанувчилар олдига тез-тез кириб, уларнинг ҳолидан хабар олиши, қандай хизмат кўрсатилаётганлиги билан қизиқиши туфайли кўпчилик эътиборини қозонган.

Бу масканга ҳар гал келганимизда, даволанувчиларга қулайлик яратиш учун биронбир ўзгариш қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу сафар икки қаватли кўркам бино барпо этилганлигини кўрдик. Бу янги бино май ойида фойдаланишга топширилаҳкан, эски бино эса таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланаркан.

Демак, ҳордиқ ва шифо маскани кенгаяди, шарт-шароитлар янада яхшиланади. Мазкур муассасанинг қўли енгил ва ширинсўз ходимларига миннатдорчилик сифатида ўзимизнинг дил изҳоримизни билдирамиз.

**Абдувоҳид ҳожи ҲАМДАМОВ, Анвар ЗАРИПОВ, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Комилжон Ғофуров номли маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийлари.**

Хотира

# «МЕН ШЕЪРЛАР ЎҚИДИМ, КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛМАДИ»

*Илгари хабар қилганимиздек, Бўка тумани маданият саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган «Оташ қалб шоир» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. У республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бўка тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилди.*

Муҳаммад Юсуф! Туғма зукколик, шоирона бурролик фақат унгагина хос эди. Муҳаммаднинг дилбар, кўнгилга яқин, ўйга толдирадиган шеърлари, қўшиқлари, достонлари халқимизнинг кўнгил мулкига айланиб улгурган.

Худди тунов куни ёки ўтган ҳафта ёзувчилар уюшмасидами, газета таҳририятидами, ёру бирoдарлар даврасидами у билан самимий омонлашганимиз, чақчақлашганимиз ҳали-ҳануз ёдимизда. Унинг суҳбатлари сой эпкиндек майин, диди дарёдек тинимсиз, шоирона теран, кенгашлари доим жўяли эди. Шу жиҳатдан ҳам у каттакичикка бирдай суюкли, бирдай эрка эди.

Дарвоқе, хаёл олис-олисларга етаклади чоғи. Ҳарқалай, Муҳаммад Юсуфсиз ўтган йиллар соғинчи шу бўлса ажабмас...

«Дамас» машинаси равон йўлдан илдамлаб боради. Баҳор ҳавоси хуш ёқади. Қия очиқ ойнадан шамол аста сирғалиб киради. Маҳмуджон Азимовнинг бироз ғамгин, ширали овози янграйди:

*Самарқандга борсам*
*мен агар,*
*Улуғбекни кўрмай*
*қайтмайман...*

Жуманиёз ака билан Назирахон Муҳаммаднинг янги китоби хусусида, турмуш уринишлари, шоирнинг ажиб хислатлари ҳақида суҳбатлашишади. Бу суҳбатга ҳалал бергимиз келмайди. Рустам Мусурмон шоирнинг «Ота» шеърини паст овозда ўзига хос оҳангга солиб, ўқий бошлади:

*Ота, ғўзангизни сув*
*босиб кетди,*
*Чумчуқ вайрон қилди*
*жўхорингизни.*
*Менинг китобларим*
*бир жамбил баргча,*
*Ёзолмади хуморингизни.*

Кейин:

— Янга, акамнинг янги китобларини биз ҳам кўрайлик, – дейди дўр овозда.

Назирахон шоирнинг «Улуғимсан, Ватаним» номли янги шеърий мажмуасини узатади. Куни кеча «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳарририяти томонидан чоп этилган Муҳаммад Юсуфнинг сайланма асари қўлма-қўл бўлиб кетди.

Муҳаммад Юсуф нафақат шоир, балки, республикамизда маънавият, маърифат, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олган фаол ижодкор эди. Ардоқли шоиримиз, дўстимиз Муҳаммад Юсуф «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ва муштарийлари билан тез-тез учрашиб турарди. Агар тадбирда сўз беришса, ана шулар ҳақида гапираман, дея дилимга тугиб қўйдим.

*Эр бошига иш тушса,*
*ўт кечгувчидир,*
*Чидаймиз-да, бу заҳматлар*
*ўтгувчидир.*

***

Бўкаликлар ардоқли меҳмонларни, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов, иқтидорли шоирлар Маҳмуд Тоир, Рустам Мусурмон, шоирнинг рафиқаси Назира Саломоваларни қучоқ-қучоқ анвойи гуллар билан қарши олдилар.

Бўкада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллик тантаналари ана шундай бошланди. Қани энди, бундай тантаналарда баён этилган ҳар бир шеърият мухлисининг дил сўзларини қаламга ола билсанг, бунга на вақт, на имкон етарли...

Ҳарқалай, Муҳаммад Юсуф қисқа умр кўрган бўлсада, ўз ҳаёти давомида баракали ижод қилди. Унинг шеърларида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эзгулик ғоялари жон борича тараннум этилди. У Ватан, истиқлол, севги ва садоқатни оташин мисралари орқали халқ қалбига етказа олган оташнафас шоир эди.

*Ота юзларимни сув*
*босиб кетди,*
*Кўзёш пайҳон қилди,*
*кўнглим гулзорин.*
*Менинг китобларим,*
*Менинг шеърларим –*
*Қадрингизни билмаган*
*йилларим зори.*

Шу куни таниқли шоир ва ёзувчилар, мактаб ўқувчилари-ю, нуроний отахон ва онахонларгача, илм аҳлларидан деҳқонгача Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиб-тошиб сўзладилар. Айниқса, мактаб ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқишганида, зал гўё қалқиб кетгандек бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов шоир шеърларига басталанган қўшиқлари билан тадбирга файз бағишлади.

**Шавкат ТУРОБ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

Bolalik bog`i

# QUYOSHIM

*Uzumlarga rang berib,*
*Asal etgan o`zingsan.*
*Mevalarga ta`m berib,*
*Shakar etgan o`zingsan,*
*Mehridaryo quyoshim.*

*Chehrangda doim kulgi,*
*Olam ko`z-qarog`ingda.*
*Tabiat go`zalligi*
*Har lahza ardog`ingda,*
*Mehridaryo quyoshim.*

**Asom ZIYOMAT.**

# «МЕНИ ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМА»

*Шу йилнинг 2 май куни пойтахнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Мени ёлғиз қолдирма» тўлиқ метражли бадиий видеофильмининг тақдимоти бўлиб ўтади.*

Мазкур фильм ёш режиссёр Нодир Муҳаммад ва Улуғбек Зуфаров сценарийси асосида суратга олинди. Фильм замонавий мавзуда бўлиб, унда ўз қарашларида собит, ҳақиқатгўй журналист Маҳмуд ҳамда рақкоса Марям ўртасидаги соф муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда бугунги ҳаётимиз, мураккаб инсоний муносабатлар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашлар ўз аксини топган.

Фильмдаги бош ролларни Ўзбекистон ёшлар театрининг актёри Ойбек Қаюмов ва «Ракурс» кўрсатуви бошловчиси Ойбек Вейсал ўғли ижро этишган. Кинода илк марта суратга тушган 11-синф ўқувчиси Тамилла Аринова Марям сиймосини яратди. Шунингдек, асарда Пўлат Саидқосимов, Элёр Носиров, Сайдулло Мўлдахонов, Тоҳир Саидов, Клара Жалилова ва Сайёра Юнусова каби таниқли актёрлар ҳам иштирок этди.

**Алишер АЗИМОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

# ШОИРНИ ЁД ЭТИБ

*«Турон» илмий универсал кутубхонасида марҳум халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Унда таниқли ижодкорлар, олимлар, санъаткорлар ҳамда шеърият ихлосмандлари иштирок этдилар.*

— Муҳаммад Юсуф ноёб истеъдод эгаси, фидойи, камтарин инсон эди, — деди кечани очар экан республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наим Каримов. — Унинг элюртимиз, адабиётимиз учун қилган хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳамад Али, шоир Тоҳир Қаҳҳор, профессор Нўъмон Раҳимжонов ва китобхонлар Муҳаммад Юсуф қисқа умрида муносиб шеърият боғи яратиб кетганини, бу гулшан асло завол билмаслигини таъкидладилар. Таниқли хонандалар ва ихлосмандлар Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб қўшиқлардан ижро этдилар, оташин шеърларидан намуналар ўқидилар. Кутубхонада ташкил этилган «Ноёб истеъдод эгаси» номли кўргазмада эса шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли акс эттирилди.

Шунингдек, ана шундай тадбир Қибрай туманидаги 10-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди. Адабий-бадиий кечага «Дўрмон» ёзувчилар боғида яшаб, ижод қилаётган ижодкорлар ташриф буюришди. Шоир хақидаги ўлмас хотиралар, ўқувчилар томонидан ижро этилган шеър-қўшиқлар йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

# МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ — 80 ЁШДА

*Чирчиқ шаҳридаги кимёгарлар маданият саройида таниқли рассом ва педагог, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Владимир Голубих таваллудининг 80 йиллиги нишонланди.*

Тадбир аввалида мўйқалам соҳиби ва унинг шогирдлари томонидан чизилган Чирчиқ манзаралари кўргазмаси намойиш этилди.

Тантанада иштирок этган республика рассомлар уюшмаси раиси Турсунали Қўзиев, Чирчиқ шаҳар ҳокими муовини А. Соипов ва бошқалар бугунги кунда шогирдлари АҚШ, Германия, Россия каби хориж давлатларида ижодий фаолият кўрсатаётган В. Голубихнинг мамлакатимиз тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлашди. Ижодий кеча сўнгида Ҳамза номидаги болалар санъат мактаби ўқувчилари томонидан намойиш этилган концерт дастури қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**



# Дамлар қадрини билмоқ — бахт учун имкон

*Абдуғани Сулаймон ўғли дунёни кўп кезган. «Қаерга борсам, дастлаб ўша жойни Ўзбекистонимга қиёслайман. Барибир менинг юртим баридан гўзал туюлаверади. Қалбим фахрланиш туйғуларига тўлиб-тошади», — дейди у. Ана шу фахр туйғуларини шеърга солади. Юрагидаги муҳаббатни ўзига хос тарзда назмда ифода этади.*
*Бугун унинг кўнгил битикларидан эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.*

ТЎРТЛИКЛАР

*Ҳар қандай эзгу иш ҳимматдан нишон,*
*Бир томчи ёмғирда ҳосил намоён.*
*Меҳнаткаш заҳмати — ҳаловат рамзи,*
*Бир ҳовуч буғдойдан кўтарар хирмон.*

* * *

*Ҳаётнинг қадрини билмас гоҳ инсон,*
*Ва шундан йўлиқар ғамга ногаҳон,*
*Кейинги пушаймон кимга наф бермиш,*
*Дамлар қадрин билмоқ —*
*бахт учун имкон.*

* * *

*Кутган кунлар келмаги бор, бу аён,*
*Ўтган кунинг бўлмас такрор намоён,*
*Бугун ҳис эт келар онлар қадрини,*
*Бежиз ўтган умринг сўнги пушаймон.*

* * *

*Занг еса темирнинг қолмас мисқоли.*
*Ҳасад — вужуддаги шу занг мисоли.*
*Гўлоҳ қўлидаги косовга қаранг,*
*Оловга авж бериб, букчайган ҳоли.*

* * *

*Инсонга дўст-ёр ҳам, душман ҳам забон,*
*Ҳар сўз замирида кўп асрар пинҳон.*
*Яхши сўз ғанимни дўст этар, аммо,*
*Бир оғиз бўҳтондан дўст дили вайрон.*

* * *

*Оламда дўст қидирсанг,*
*инсонларга ҳамроз бўл,*
*Пок тут доимо қалбинг —*
*саркашу сарафроз бўл.*
*Ёмонликни маҳв айлаб, яхшиликни*
*одат қил,*
*Дарз кетган, ташвиш чеккан*
*кўнгилларга пардоз бўл.*

* * *

*Эл осойишталигин ўйласа олим,*
*Сарф этар тинчликка илму камолин.*
*Баъзи илмкорнинг қилмиши золим,*
*Бомба ясаб бузар элнинг камолин.*

* * *

*Эзгуликни касб айлаб яшайин десанг,*
*Феълингни қилиб танг-тор умрингга*
*қўйма тузоқ.*
*Яхши ном, оқил фарзанд —*
*ҳаётинг давомчиси,*
*Аммо ҳар гуноҳингга маҳшарда*
*бўлгай сўроқ.*

* * *

*Эҳсонидан мақтанган гуноҳ олур бошига,*
*Ҳатто бир мисқол савоб йўламагай*
*қошига.*
*Риё учун хайр этмоқ —*
*виждон йўқотмоқдир,*
*Асло муҳтож қилмасин ул тоифа ошига.*

* * *

*Инсон гоҳ ўз нутқига маҳлиё бўлғай,*
*бироқ,*
*Сўздан келмиш балодан ногаҳон*
*бўлмас огоҳ.*
*Бол каби соз сўз бўлса ҳам,*
*оз бўлгани яхшироқ,*
*Йўқса тил хатоси чиқса,*
*шубҳасиз тегар таёқ.*

**Абдуғани СУЛАЙМОН.**

# Xalqaro hayot

## АҚШ: ЎЗИ ИСТАМАСА ҲАМ

Жон Керрининг рафиқаси Heinz компанияси мулкининг меросхўри бўлишига қарамай, корпорация ва унинг раҳбарияти президент Жорж Бушни қўллаб-қувватлаш фаолиятини моддий таъминлаб, унинг ҳозирги сайловолди кампаниясини ўтказишга кўмаклашмоқда. Тереза Хайнц-Керри ўзининг асосий даромадини айнан Heinzдан олади. Шу билан бирга у, компания акцияларининг фақат тўрт фоизигагина эга бўлгани сабабли, раҳбариятнинг сиёсат бобида кимни қўллаб-қувватлаши масаласига таъсир кўрсата олмайди.

## ПОЛЬША: БУ МАСАЛА КЎРИЛМАЙДИ

Польша яқин ойларда Ироқдаги ўз аскарларини олиб чиқиб кетиши ҳақидаги хабарлар инкор этилди. Ҳукуматнинг матбуот котиби Марчин Кашуба бундай масала умуман кўрилмаганини айтди. «Ироқдаги қўшинларимиз, у ердаги вазият яхшиланмагунича, ўша ерда қолаверади. Аскарларимизни бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш масаласини кўрмаганмиз ва ҳеч қачон муҳокама қилмаганмиз», – деди у.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ: АР-РИЁДДАГИ ПОРТЛАШ

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда кучли портлаш юз берди. Оқибатда камида тўққиз киши ҳалок бўлди, 125 одам яраланди. Улар орасида уч гўдак ҳам бор. Қироллик хавфсизлик хизмати биноси қаттиқ зарар кўрди. Дастлабки маълумотларга кўра, террорчи портловчи моддалар ортилган машинани худди шу иморат томон ҳайдаган. Ички ишлар вазирининг таъкидлашича, бинога чамаси 30 метр масофа қолганда, бомба портлатгичи ишлаб кетган. Шу сабабли ҳам, машина мўлжалга етмай портлаган.

## РОССИЯ: ТАРКИБ ЯНА ЎЗГАРАДИ

Яқин орада Россия ҳукумати таркибида баъзи ўзгаришлар кутилмоқда. «Шундай таклифлар тайёрланмоқда ва ўйлашимча, яқин орада ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбариятидаги ўзгартишлар ҳақидаги масаланинг узил-кесил ечими билан бирга улар ҳам ҳал қилинади», – деди президент Владимир Путин. Унинг сўзларига қараганда, ҳукумат таркиби ҳақидаги фармон дастлабки меъёрий ҳужжат эди. «У ҳаётда қандай самара бераётганини кўргач, баъзи нарсаларни унутганимиз аниқ бўлди», – дея таъкидлади Путин.

## ГРУЗИЯ: АРАЛАШМАСЛИК ЭВАЗИГА

Аджария раҳбарияти Грузия президентига мухторият ишларига аралашмаслик эвазига ноқонуний даромадлардан улуш таклиф этди. Аджария ҳукумати вакилларида «ҳамма нарса – наркотиклар ва фойда, бир неча миллиардлик мулк, жаҳоннинг барча катта пойтахтларидаги улкан қасрлар бор. Улар эса, Аджариядан моддий наф олишни истаётганимиз ҳақида жар солиб, бизни айбламоқдалар», – деди Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакат давлат девонхонасида ўтган брифингда.


2004 йил 12, 14, 16 апрель кунлари ўтказилган биржа савдоларида Қибрай, Зангиота, Юқоричирчиқ, Бекобод туманлари ҳудудида жойлашган 17 та нодавлат қурилиши тугалланмаган бинолар жами 7.650.000 сўмга ва Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Қибрай, Паркент, Тошкент, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Зангиота туманлари ҳудудида жойлашган 39 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 63.218.950 сўмга сотилди. Шунингдек, Қуйичирчиқ туманида жойлашган 1 та давлат кўчмас мулк объекти 10.184.760 сўмга сотилди.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**Сизларни ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари билан Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти – «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали иштирокида ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этамиз: 2004 йил 19, 23 апрелдан бошлаб биржа савдоларига қуйидаги давлат кўчмас мулк объектлари ҳам қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Москва кўчаси, 35-уйда жойлашган, собиқ «Олмалиқ шаҳар босмахонаси»нинг Устав жамғармасидаги 23 фоиз эркин савдо улуши.

**Бошланғич баҳоси – 9.952.487 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида жойлашган, «15-сонли механизациялашган кўчма колонна» МЧЖнинг Устав жамғармасидаги 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 26.589.000 сўм.**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти – «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали хамда «Respublika Ko"chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:** РКМБ Тошкент вилояти бўлими: **133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73;** «Давинком» ДИФнинг Тошкент вилояти филиали: қабулхона **132-06-76 (128).**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**«RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» MCHJ**

**Сизларни 2004 йил 25 май, 1, 8, 15, 22, 29 июнда соат 12.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Паркент тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Паркент тумани, «Кумушкон» ЁАЖ ҳудудида жойлашган сатҳи 0,04 гектарли ер майдони.

**Бошланғич баҳоси – 52448 сўм.**

**2.** Паркент тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Паркент тумани, Чукайма маҳалласида жойлашган, сатҳи 0,06 гектарли 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 110880 сўм.**

**3.** Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектарли 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 101640 сўм.**

**4.** Янгийул тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Янгийул тумани, «Қовунчи» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектарли 85 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 25704 сўм.**

**5.** Бўстонлиқ тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Бўстонлиқ тумани, «Бурчмулло» жамоа деҳқон фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектарли 24 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 348480 сўм.**

**6.** Чирчиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Чирчиқ шаҳар, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектарли 2 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 133232 сўм.**

**7.** Янгийўл тумани Марказий касалхонасига қарашли, Халқобод қишлоғида жойлашган, «Собиқ юқумли касалликлар касалхонаси»нинг биноси.

**Бошланғич баҳоси – 30.161.400 сўм.**

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади ва кўчмас мулк объекти савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик гаров пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Toshkent viloyati baholash va konsalting Markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси залида **2004 йил 10 май куни соат 15.00 да мактаб ўқув мебеллари кўргазмаси ва танлови бўлиб ўтади.** Кўргазмада ўқув мебеллари ишлаб чиқарувчи барча корхоналар иштирок этиши мумкин.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси.

**Мурожаат учун телефон: (8 3712) 55-53-62.**

«Xoji Ubaydullo» ХИЧТФ (ОКПО 14966901, СТИР 201142553) «Xislatilla Farm» ХИЧТФга (ОКПО 15367738, СТИР 200639954)

**ҚЎШИЛАЯПТИ.**

«Xislatilla Farm» ХИЧТФ «Xoji Ubaydullo» ХИЧТФнинг ҳуқуқий вориси бўлиб қолади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Телефонлар: 139-45-82, 77-13-73.**

# «ПАХТАКОР»ГА ТЕХНИК ҒАЛАБА



***Осиё чемпионлари лигаси «А» гуруҳида иштирок этаётган «Пахтакор» жамоасига омад кулиб боқди. У 21 апрель куни Баҳрайнда «Ал-Риффа» жамоаси билан учинчи тур учрашувини ўтказиши керак эди.***

Лекин, «Ал-Риффа» Осиё Футбол Конфедерациясига мусобақаларда иштирок этмаслигини расмий равишда маълум қилди. Шунинг учун, «Пахтакор»га 3:0 ҳисобида техник ғалаба ёзилиб, уч очко берилди.

27 апрелда Тошкентда ўтказилиши лозим бўлган жавоб учрашуви учун ҳам бериладиган уч очко билан «Пахтакор» тўрт турдан сўнг тўққиз очко тўплаб, ягона пешқадамга айланади. Эроннинг «Зоб Аҳан» жамоаси ҳозирча беш очко билан иккинчи ўринни банд этган.

«Д» гуруҳида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Саудия Арабистонининг «Ал-Араби» жамоаси билан сафарда учинчи тур учрашувини ўтказди ва 2:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Жавоб учрашуви 28 апрелда Фарғонада бўлиб ўтади.

*Биринчи табақа*

# «КИМЁГАР» ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

***Футбол бўйича мамлакат ўн учинчи миллий чемпионати биринчи табақасида тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Олмалиқ «ОТМК» жамоаси ўз майдонида Поп шаҳрининг «Поп-фен» жамоаси билан баҳс юритди. Мезбонлар еттинчи дақиқада ҳисобни очишга эришган бўлсалар ҳам, учрашувни ғалаба билан якунлай олмадилар. Ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди. «ОТМК» жамоаси беш очко билан жадвалда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

«Кимёгар» ҳам учрашувни ўз майдонида ўтказиб, Қувасойнинг «Цементчи» жамоасини 4:1 ҳисобида енгди ва ўз ҳисобидаги очколар сонини тўққизтага етказиб, пешқадамлар сафига кўтарилиб олди. «NBU Осиё», «Кимёгар», «Цементчи» жамоалари тўққиз очко билан гуруҳда пешқадамлик қилмоқдалар.

**Тальат ЮСУПОВ.**

***Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг 12 нафар спортчиси Францияда бўлиб ўтаётган халқаро турнирда иштирок этмоқда.***

# ФРАНЦИЯГА КЕТИШДИ

Ушбу спортчиларнинг тўққиз нафари Чирчиқдаги олимпия заҳиралари спорт коллежи талабалари.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯККАКУРАШЧИЛАР БАҲСИ

***Тошкент туманида 5–8 ёшли болалар ўртасида Турон яккакураши бўйича туман очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент туманидан олтита жамоа, Янгийўл, Зангиота, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳридан спорт жамоалари қатнашдилар.***

200 нафардан зиёд яккакурашчи кичкинтойлар иштирок этган биринчиликда болалар иккита ёш гуруҳида баҳслар олиб боришди. Эътиборлиси, 12 та вазн тоифасидан 11 тасида мезбонларнинг қўли баланд келди. Умумжамоа ҳисобида ғолиблик 2-БЎСМ ёш спортчиларига (мураббий Файзулла Раҳимов) насиб этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Улар бизнинг фахримиз

***Мамлакатимиз спорти, хусусан хотин-қизлар спорти ривожига муносиб улуш қўшаётганлардан бири, шубҳасиз, байдаркада эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолибаси, бир неча Осиё чемпионати ва Жаҳон кубоги баҳслари совриндори ҳамда иштирокчиси Юлия Борзовадир. Спортчимиз шу кунларда зўр бериб, шу йилнинг 14 майида Япониянинг Комацу шаҳрида бошланадиган Осиё чемпионати саралаш баҳсларига тайёрланмоқда. Негаки, вилоятимиз вакили ушбу чемпионатнинг яккалик ва тўртлик баҳсларида фақат биринчи ўринни эгаллаб, Афина олимпиадаси учун бериладиган йўлланмани қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу долзарб фурсатда мухбиримиз Юлия Борзова билан суҳбатлашишга жазм этди.***



# ЭШКАК ЭШАЁТГАН ҚИЗ

*Суҳбатдош ҳақида: Юлия Борзова — 1981 йилда Ўртачирчиқ туманида — Тошкент денгизи соҳилида жойлашган хушманзара Янги ҳаёт қўрғонида туғилган. Муҳандислар оиласидаги фарзандларнинг кенжаси. 1996-2000 йилларда Чирчиқдаги олимпия заҳиралари спорт коллежида таълим-тарбия олган. Ҳозир Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг тўртинчи курсида ўқимоқда.*

***1997 йил. Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати. Корея, 1-ўрин.***
***1999 йил. Осиё чемпионати. Хитой, 2-ўрин.***
***2001 йил. Жаҳон чемпионати. Польша, 2-ўрин.***
***2002 йил. Осиё чемпионати. Тўртлик баҳслари, 1-ўрин.***
***2002 йил. Жаҳон кубоги. Польша, 2-ўрин.***
***2002 йил. Жаҳон кубоги. Испания, 5-ўрин.***
***2002 йил. Осиё ўйинлари. Корея, 1-ўрин.***
***2003 йил. Жаҳон кубоги. Польша, тўртлик баҳслари иштирокчиси.***

**– Қизлар учун ноқулай бўлган байдаркада эшкак эшиш спортига сиздаги қизиқиш ривожланиб, ютуқларга эришишингизда кимларнинг ва ниманинг ўрни сезиларли бўлган?**

– Етти ёшимдан бошлаб, Тошкент денгизидаги ўқув базасида дастлабки устозим Ниёз Тешабоев раҳбарлигида машғулотларни бошлаганман. Ҳозир эса Муҳиддин Мейрбеков ва Вячеслав Шубинлар мураббийлик қилмоқда. Ота-онамнинг доимий қўллаб-қувватлаши ва йўналтириб туриши, ғалабага бўлган ишончимни янада ошириб туради. Ҳар соҳада эгизак акам – Сергей Борзовнинг кўмагига таяниб, иш кўраман.

**– Хотин-қизларни қандай қилиб спортга кўпроқ жалб этиш мумкин?**

– Менимча, бу борадаги ташвиқот ва эътиборни янада ривожлантириш керак. Улар учун шароитни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш лозим. Ҳаммаёқ озода, мураббийлар, анжомлар етарли бўлса, бундай манзилга қайси ота-она фарзандини етаклаб олиб келмайди?

**– Спортда, бокс ва футболда бўлгани каби, ҳадеб моддий манфаатни кўзлайвериш тўғрими?**

– Албатта, меъёрида бўлса, бунинг ёмон томони йўқ. Пулсиз спортда ривожланиш бўлмайди. Мен учун эса энг муҳими натижа. Қолаверса, сув спорти турларида теннисдаги каби катта мукофотлар берилмайди. Негаки, унга кўп томошабин йиғилмайди, рекламаси ривожланмаган.

**– Бўлғуси жаҳон мусобақалари олдидан кайфиятингиз қандай?**

– Бугуннинг нафаси билан яшашга ўрганганман. Қолганига ҳаракатим бўлса, насиб этгани бўлади. Имкони борича, спортда кўпроқ ютуққа эришиш – доимий орзуим. Японияда эса, яккалик ва тўртлик баҳсларида шерикларим – Татьяна Левина, Антонина Москалёва ва Надежда Пишулиналар билан ҳамкорликда Пусандаги муваффақиятларимизни такрорлаб, фақат биринчи ўринни эгаллаб, Афина олимпиадаси учун бериладиган йўлланмани қўлга киритишга, охиригача курашишга ҳаракат қиламиз.

**Ирода, ишонч, умид кишини ҳамиша олдинга бошлайди. Навқирон, миттигина бу спортчимиз қисқа фурсатда шунча жаҳон мусобақаларида қатнашиб, уларнинг кўпида пойганинг энг олдинги сафларида келаётганининг замини ҳам аслида шу. Юлия Борзова билан мулоқот қилган киши у, нафақат машҳур спортчи, балки инсон сифатида ҳам яхши тарбия топаётган, одобли, орли-ҳаёли эканлигига амин бўлади. Юлия ҳар тарафлама камолотга интилаётган, жисман ва маънан соғлом шахсларгина ишончли келажакни яратишини яхши англаган ёшларимиздан бири десак, янглишмаймиз. Мақола сўнггида спортчимизга ушбу инсоний хислатлар ва Японияда ҳамда насиб этса, Афина олимпиадасидаги бўлажак баҳсларда омад доимо ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.**

***Сўнгсўз ўрнида:*** *Мамлакатимизда сув спортини ривожлантиришга шароит етарли. Йўқса, Россия ва Қозоғистон сингари МДҲ мамлакатларидан келган спортчилар, айнан Тошкент денгизида ўқув машғулотларини ўтказмаган бўлардилар. Бироқ «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, сув спорти турларига бўлган эътиборни ҳам ҳамма жойда бир хил ижобий деб бўлмайди. Чунончи, бир пайтлар моддий базаси ва спортчиларнинг эришаётган натижалари жиҳатидан МДҲ давлатлари орасида салмоқли аҳамиятга эга бўлган Бекободдаги сув спорти иншоотларига бўлган бугунги эътиборни ижобий баҳолаш мумкинми? Афсуски... Келинг, яхшиси бу саволни ҳозирча очиқ қолдирган ҳолда мутасаддилар ҳукмига ҳавола этамиз.*

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Воҳид БОЙМУРОДОВ суҳбатлашди.**

*СУРАТДА: Юлия Борзова.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

**УНИНГ ИРОДА КУЧИГА ИШОНАМАН**

**Муҳиддин МЕЙРБЕКОВ** – *байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежи катта мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози:*

*– Талабаларимиз ичида Юлия Борзованинг ўрни бўлакча. Унда ирода кучи ва Ватан шаънини ҳимоя қилиш жиҳатлари кучли ривожланган. Шу иккиси кўплаб жаҳон рекордларининг муҳим омили ҳисобланади.*

**ЭНГ ТАРБИЯЛИ ШОГИРДИМ**

**Вячеслав ШУБИН** – *спорт устаси, байдаркада эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийси:*

*– Юлия 2003 йилнинг Янги йил карнавалида берган ваъдасига содиқ қолиб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Унга ўхшаганларни устоздан ўзган шогирд дейиш мумкин. Негаки, у ақлий салоҳият, маълумот, тажриба бобида кўпчилигимиздан аллақачон ўзиб кетди. Яна шуни таъкидламоқчиманки, у жуда тарбияли қиз. Бунга мен саккиз йиллик фаолиятим давомида амин бўлдим.*


Янгийўл шаҳридаги «Буюк омад» ХФнинг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза туманидаги «O'ZARO-ISHONCH» ХФ «O'ZARO-ISHONCH» МЧЖга
**АЙЛАНТИРИЛМОҚДА.**
Ҳуқуқий ворис «O'ZARO-ISHONCH» МЧЖ ҳисобланади.

59-мактаб томонидан 1993 йил 20 июнда Зангиев Марат Александрович номига берилган таянч маълумот ҳақидаги ВУ 047827 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кўзғалмас мулк ва ер кадастри Бош бошқармаси томонидан 1998 йилда Хикматов Нигматулло Кучкарович номига берилган, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган омбор биноси ер кадастри асл нусхаси йўқолгани сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани 16 даҳадаги 3 хонали квартира
**СОТИЛАДИ.**
1-қават, телефон, темир эшик бор. Телефон: 22-46-75.

«Atlantic Co. Ltd» қўшма корхонаси ўзининг устав фондини 1.432.102,03 АҚШ долларигача камайтирганлигини маълум қилади.
Даъволар 2 ой давомида қабул қилинади.
Телефонлар: 148-19-63, 116-86-58.

«Nabiraxo'ja» МЧЖга банк томонидан берилган 0005126 дан 0005150 гача рақамли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги 167-мактаб томонидан 1994 йилда Игамбердиева Дилноза Ғофуровна номига берилган 519305 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2001 йил 22 июндаги 700-сон қарори (2002 йил 14 ноябрь 1166-сонли қарори) билан Давлат рўйхатига олинган 0917689 рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-550. Адади 6437. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5